

«ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИ ЖИНСИЙ АЛОҚА ҚИЛИШГА ЖАЛБ ЭТИШ ЖИНОЯТИНИНГ КРИМИНОГЕН ОМИЛЛАРИ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ»

Базаров Максуд Махмудович

Ички ишлар вазирлиги Бухоро вилояти ИИБ ходими

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17946874>

Аннотация. Вояга етмаганларга нисбатан жинсий жиноятлар — замонавий жамиятда ижтимоий ва маънавий инқирознинг жиддий кўринишларидан бири ҳисобланади. Ушбу тезисда мазкур жиноятнинг криминоген омиллари, ижтимоий муҳити ва ҳуқуқий асослари таҳлил қилинади. Тадқиқот Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, МДХ давлатлари тажрибаси ва илмий манбалар асосида амалга оширилди. Мақсад — жиноятнинг келиб чиқишини чуқур ўрганиш ва унинг профилактикаси учун ҳуқуқий асослар ва илмий мулоҳазаларни тақдим этиш.

Калит сўзлар: вояга етмаганлар, жинсий алоқа, жалб этиш, криминоген омиллар, қонунчилик, профилактика.

Вояга етмаганларнинг жинсий дахлсизлигини ҳимоя қилиш — ҳар қандай жамиятнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Бу масала нафақат маънавий, балки ҳуқуқий жиҳатдан ҳам катта аҳамиятга эга саналади. Жиноятнинг объекти — болаларнинг психо-жисмоний ривожланиши ва маънавий баркамоллиги. Шу сабабли, унинг олдини олишда ижтимоий, психологик ва ҳуқуқий механизмлар биргаликда ишлаши талаб этилади.

БМТнинг “Вояга етмаганларни ҳимоя қилиш конвенцияси” (1989) ва МДХ давлатлари тажрибаси вояга етмаган шахсларни жинсий эксплуатациядан ҳимоя қилишда стандартлар белгилайди. Россия, Қозоғистон ва Қирғизистоннинг қонунчилигида ҳам болаларни жинсий алоқага жалб этиш жиноятлари учун оғирлаштирилган жазо чоралари кўрсатилган.

Россиялик олим В.Н. Кудрявцев таъкидлаганидек, “вояга етмаганларга нисбатан жинсий жиноятлар жамиятдаги маънавий инқирознинг энг оғриқли кўринишларидан бири саналади” [1]. Шу боис, мазкур мавзудаги тадқиқотлар илмий жиҳатдан ҳам муҳим ҳисобланади.

Бу борадаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига юзаланар эканмиз, Жиноят кодексининг 128-моддасига кўра вояга етмаган шахслар билан жинсий алоқа қилиш ёки уларни бунга жалб этишнинг жиноят сифатида белгиланишининг гувоҳи бўламиз.

Тўғри ушбу моддада вояга етмаганлар шахсининг ким эканлиги (16 ёшга тўлмаган шахс), жиноятнинг субъекти, объекти, субъектив ва объектив томонлари аниқ кўрсатилган. Аммо, шу билан биргаликда жаҳон тажрибасига кўра аксарият давлатларда, айнан ушбу кодекс билан интернет орқали содир этиладиган ҳаракатлар ҳам қонуний тарзда қамраб олинганлигини кўриш мумкин бўлади, чунки замонавий жиноятчилар кўпинча онлайн муҳитдан самарали фойдаланиб келмоқдалар.

Россия Федерацияси Жиноят кодекси 134-моддаси — 16 ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқага жалб қилиш учун жавобгарлик [2]нинг ёритиб берилиши, Қозоғистон Республикаси Жиноят кодекси 122-моддаси — вояга етмаган шахс билан жинсий алоқа қилишга уринганлик ва жалб этиш [3] га бағишланиши, Қирғизистон Республикаси Жиноят кодексида ҳам 16 ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш ҳусусида сўз

бориши ва бу меъёрларнинг сақланиб қолиши олим Ш. Алимов таъкидлаганидек болаларни жинсий эксплуатациядан ҳимоя қилишда муҳим қадам ҳисобланади [4].

Кейинги тадқиқотлар шуни кўрсатдики, интернет орқали содир этиладиган жиноятлар учун қонунчиликда аниқ нормалар етарли эмас. Бу ҳолат суд-тергов амалиётида турли талқинларга сабаб бўлмоқда. Шу боис, қонунчиликни рақамли муҳитни ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб масаласидир.

Вояга етмаганларга нисбатан жинсий жиноятлар кўп омиллар таъсирида содир бўлади. Улар ижтимоий-иқтисодий, психоген, ахборот-техник ва маънавий омилларга бўлинади.

Қуйида ушбу омилларни бирмабир таҳлил этиб ўрганиб чиқамиз:

Ижтимоий-иқтисодий омиллар. Ижтимоий муҳит шахснинг хулқ-атворига таъсир кўрсатувчи энг муҳим омиллардан биридир:

оилалардаги ажримлар ва миграция; оилада назоратнинг камайиши; иқтисодий қийинчиликлар; ота-оналарнинг иш вақтининг узоқлиги ва ҳоказоларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Олим Ш. Қодиров таъкидлаганидек, оилада назоратнинг камайиши боланинг ҳуқуқбузарликларга мойиллигини оширади[5].

Статистикага кўра, жиноят қурбонларининг катта қисми муаммоли оилалардан чиққан фарзандлар саналишади. Россиялик криминолог С. Бородин ушбу ҳолатни шундай таърифлайди: “Иқтисодий танглик даврларида болаларга нисбатан жинсий жиноятлар сони ўсиши — барча давлатларда кузатилган тенденциядир”[2].

Психоген омиллар. Айрим шахсларнинг психик хусусиятлари уларни болаларга нисбатан жинсий ҳаракатларга мойил қилади. Масалан:

- педофил мойилликлар;
- агрессия ва импульсивлик [3];
- стресс ва ҳиссиётни бошқара олмаслик [6] ва бошқалар.

Психолог А. Федорова таъкидлаганидек, “педофилия психопатологияси кўп ҳолларда эрта ёшдан шаклланади ва ижтимоий муҳит таъсирида фаоллашади” [6].

Ахборот-техник омиллар. Интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали болаларни жалб қилиш ҳолатларининг ортиб бораётганлиги:

- аноним аккаунтлар ва фейк шахслар;
- онлайн ўйинлар ва мессенжерлар орқали алдаш;
- порнографик материаллар таъсири [2] ва бошқалар.

Ўзбек социолог олимаси З. Нурматова бу ҳолатни “ахборот муҳити хавфи” сифатида баҳолайди [7].

Маънавий ва маданий омиллар. Жамиятдаги маънавий инқироз, гендер стереотиплар ва эрта жинсий муносабатларнинг нормаллашиши болаларнинг ҳуқуқбузарликка мойиллигини оширади.

Хулоса қилиб айтганда, вояга етмаганларни жинсий алоқа қилишга жалб этиш жинояти кўп омиллар таъсирида ривожланади. Унинг профилактикасида қонунчиликнинг аниқлиги, оила ва жамоатчиликнинг фаол иштироки, психологик ва ахборот-хавфсизлик механизмлари муҳим аҳамиятга эга саналади.

Adabiyotlar, References, Литературы:

1. Кудрявцев В.Н., Преступность и нравственность. — М., 2010. — Б. 54
2. Бородин С., Социальные предпосылки сексуальных преступлений. — М., 2016. — Б. 73–76
3. Наумов А.В., Уголовное право. — М., 2018. — Б. 256–259
4. Алимов Ш., Болаларнинг жинсий дахлсизлиги масалалари. — Тошкент, 2018. — Б. 22–25
5. Қодиров Ш., Оила ва бола тарбияси. — Тошкент, 2017. — Б. 59–62
6. Федорова А., Психология сексуальных девиаций. — СПб., 2014. — Б. 96–101
7. Нурматова З., Жамият ва ахборот хатарлари. — Тошкент, 2022. — Б. 83–86